

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯХШИБОВ ШУХРАТБЕК КОМИЛОВИЧ

ЕР ОСТИ МЕВА-САБЗАВОТ ОМБОРЛАРИДА ТАБИИЙ
СОВУҚЛИКНИ АККУМУЛЯЦИЯЛАШНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОР ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of technical
sciences**

Яхшибоев Шухратбек Комилович

Ер ости мева-сабзавот омборларида табиий совуқликни аккумуляциялашнинг
энергия самарадор тизимини ишлаб чиқиш.....3

Яхшибоев Шухратбек Камилевич

Разработка энергоэффективной системы аккумуляирования естественного
холода в подземных плодовоовощехранилищах.....23

Yahshiboev Shukhratbek Kamilovich

Development of an energy-efficient system for accumulating natural cold in
underground fruit and vegetable storages.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯХШИБОЕВ ШУХРАТБЕК КОМИЛОВИЧ

**ЕР ОСТИ МЕВА-САБЗАВОТ ОМБОРЛАРИДА ТАБИИЙ
СОВУҚЛИКНИ АККУМУЛЯЦИЯЛАШНИНГ ЭНЕРГИЯ
САМАРАДОР ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.05.04 – Саноат иссиқлик энергетикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/T1016. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qmii.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Узоқов Ғулом Норбоевич

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзаев Шавкат Мустақимович

техника фанлари доктори, профессор

Вардияшвили Афандил Асқарович

техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Энергетика муаммолари институти

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.T.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 уй. Қарши муҳандислик- иқтисодиёт институти конференциялар зали. Тел.: (99875) 224-13-95, факс: (99875) 224-13-95 e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 уй. Тел.: (99875) 224-13-95, факс: (99875) 224-13-95 e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил«__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

Б.Э. Хайридинов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Х.А. Давлонов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Б.Уришев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда мева-сабзавот омборларининг энергия самарадорлигини ошириш, уларнинг иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимларида анъанавий ёқилғи-энергия ресурслари сарфини камайтириш ва атроф-муҳитга чиқадиган зарарли газлар миқдорини қисқартиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда мева-сабзавот омборлари ва совутиладиган иншоотларнинг совуқлик таъминоти тизимларида дунёда умумий ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 20 фоизга яқини истеъмол қилинади¹. Мева-сабзавот омборларининг совутиш тизимларида қўлланиладиган буғ-компрессорли совутиш қурилмаларида 2,5-3,5 кВт совуқлик қувватини олиш учун 1 кВт электр энергияси сарфланади². Шу сабабли, мева-сабзавот омборларининг совуқлик таъминоти тизимларида ташқи ҳавонинг қайта тикланадиган табиий совуқлигини аккумуляциялаш ва энергия тежайдиган совутиш усулларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда совутиш қурилмаларини такомиллаштириш, бино ва иншоотларнинг иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимларининг энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш асосида совутиш тизимининг энергия сарфини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, табиий совуқликдан фойдаланиш асосида мева-сабзавот омборларининг ҳарорат-намлик режимини мақбул даражада таъминлаш, қайта тикланадиган табиий совуқликни аккумуляция қилиш ва нобарқарор ҳарорат режимида табиий совуқликдан фойдаланиш тизимини самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу билан бирга ҳудуднинг табиий совуқлик манбаларидан фойдаланиш асосида ер ости мева-сабзавот омборларининг совуқлик аккумуляторли энергия самарадор совутиш тизимларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда мева-сабзавот омборларида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш асосида энергия самарадор совутиш тизимларини ишлаб чиқиш ва анъанавий ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш бўйича кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида ".....бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, атмосферага чиқадиган зарарли газлар миқдорини камайтириш....."³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун мазкур вазифаларни амалга оширишда табиий

¹ Цой Д.А. Анализ эффективности холодильных систем с радиационным охлаждением в зависимости от климатических условий// Автореферат дис.на соискание ученой степени к.т.н., Москва, 2020.-26 с.

² Зейгарник Ю. А., Попель О. С., Низовский В.Л., Низовский Л.В. Сезонное аккумулялирование природного холода// Ползуновский вестник № 4 2012. С.-190-195.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.

совуқликдан фойдаланиб мева-сабзавот омборларининг совуқлик таъминоти тизимларини энергия самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779 "Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II. "Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун табиий совуқликни аккумуляциялаш тизимидан фойдаланиш муаммолари «Delaval» (Швеция), «Dorin», «GEA Farm technologies» Butzer (Германия), «Frigomilk» (Италия), «Coneland» (Франция), Халқаро совуқлик академияси (ХСА), ФГБНУ ОИВТ РАН, «Энергетические проекты» ЁАЖ, «Ростовтеплоэлектропроект», «Промхолод», ФГБНУ «ФНАЦ ВИМ» (Россия) каби илмий марказларда ўрганилган.

Табиий совуқликни аккумуляция қилиш ва мева-сабзавот омборларида табиий совуқликдан фойдаланиш асосида энергия тежамкор совутиш технологияларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантиришда дунёда таниқли олимлар М.Кобуяма, К.Онајима, Е.Л.Морofsky, О.С.Попель, С.Е.Фрид, Ю.А. Зейгарник, В.Л.Низовский, А.С.Курилько, Ю.А.Хохолов, А.С.Штым, Е.В. Тарасова ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Республикамизда иссиқлик-совуқлик таъминоти тизимлари учун энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар Р.А.Зоҳидов, Р.Р.Авезов, А.Б.Вардияшвили, Ғ.Н.Узоқов, Ш.М.Мирзаев, Н.О.Усманов ва бошқа ўзбек олимлари томонидан олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда (АҚШ, Япония, Швеция, Канада, Россия ва б.к.) мева-сабзавот маҳсулотларини совутиш ва сақлаш учун табиий совуқликни аккумуляциялаш тизимларининг амалда кенг қўлланилишига қарамасдан, ер ости мева-сабзавот омборларида табиий совуқлик аккумуляторлари ёрдамида энергия сарфини камайтириш, тупроқ массивида ностационар иссиқлик алмашинувини тадқиқот қилиш асосида табиий совуқлик аккумуляторларининг энергия тежамкор режимларини ишлаб чиқиш ва атмосфера ҳавосини қайта тикладиган табиий совуқлиги

потенциалини ҳисобга олиб, иссиқлик насослари ва табиий совуқликни аккумуляциялаш қурилмаларидан фойдаланиш самарадорлигини техник-иқтисодий баҳолаш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ИТД-4-06 “Қайта тикланадиган энергия манбалари асосида совутиш камераларининг энергия тежамкор ёпиқ энергия таъминоти ва вентиляция тизимини ишлаб чиқиш”(2012-2014 й.й) мавзусидаги давлат илмий-техникавий дастурининг амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер ости мева-сабзавот омборларида ностационар иссиқлик алмашинувини тадқиқот қилиш асосида табиий совуқликни аккумуляция қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва иссиқлик-техник параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий совуқликни аккумуляциялаш режимида ер ости мева-сабзавот омборларининг тупроқ массивида ностационар иссиқлик алмашинуви жараёнларини моделлаштириш ва тадқиқот қилиш;

табиий совуқлик тупроқ аккумулятори ер ости мева-сабзавот омборининг иссиқлик балансини математик моделини ишлаб чиқиш;

табиий совуқлик тупроқ аккумулятори тажриба қурилмасини ишлаб чиқиш ва ҳарорат режимини тадқиқот қилиш;

табиий совуқлик тупроқ аккумулятори асосида ер ости мева-сабзавот омборлари совуқлик таъминоти тизимининг энергия самарадор технологик схемасини ишлаб чиқиш;

табиий совуқлик тупроқ аккумулятори ва иссиқлик насосли қурилма асосида ер ости мева-сабзавот омборларининг комбинациялашган энергия тежамкор совуқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш ва энергия самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ер ости мева-сабзавот омборларида табиий совуқликни аккумуляция қилиш тизими ва иссиқлик-техник қурилмалари қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети табиий совуқлик аккумуляторида содир бўладиган иссиқлик алмашинуви жараёнлари, табиий совуқлик тупроқ аккумулятори, табиий совуқликни тупроқ массивида аккумуляция қилишни характерлайдиган иссиқлик-техник параметрлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида иссиқлик алмашинуви қонунлари асосида совутиш жараёнларини математик моделлаштириш ва сонли ечиш усуллари, MATLAB дастури ёрдамида компьютерли моделлаштириш, ўхшашлик ва ўлчамликлар назарияси, совутиш жараёнларини тажрибавий тадқиқот қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер ости мева-сабзавот омборининг тупроқ массивида жойлаштирилган табиий совуқлик аккумулятори қувури сиртидан исталган масофада ва вақт

ичида тупроқ ҳарорати ўзгаришини ҳисоблаш имконини берадиган ностационар иссиқлик алмашинуви жараёнининг математик модели ва аккумулятор қувурининг иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

совутиш камераси ҳавоси ва тупроқ массиви орасидаги иссиқлик алмашинувининг физик параметрлари ва ностационар ҳарорат режимини ҳисобга олиб, совуқ ҳаво сарфи ва совутиш давомийлигига боғлиқ равишда табиий совуқлик аккумуляторли ер ости мева-сабзавот омбори ички ҳавоси ҳароратининг ўзгаришини аниқлаш имконини берадиган иссиқлик балансининг математик модели ишлаб чиқилган;

қайта тикланадиган ташқи ҳаво табиий совуқлигини ер ости мева-сабзавот омборининг тупроқ массивида аккумуляциялаш ва ундан маҳсулотларни совутишда фойдаланишни таъминлайдиган табиий совуқлик тупроқ аккумуляторли такомиллаштирилган иссиқлик-техник қурилма ишлаб чиқилган;

ер ости мева-сабзавот омборининг актив вентиляция тизими билан комбинациялашган, бир вақтда совутиш ва вентиляция вазифасини бажариш имконини берадиган табиий совуқлик тупроқ аккумуляторли энергия самарадор совуқлик таъминоти тизимининг такомиллаштирилган технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашда энергия сарфини камайтириш имконини берадиган ер ости мева-сабзавот омборининг совутиш тизими учун табиий совуқлик аккумуляторли қурилма ишлаб чиқилган;

совутиш тизимларида муҳандислик қурилмаларидан самарали фойдаланиш имконини берадиган, табиий совуқлик тупроқ аккумуляторларида кондуктив иссиқлик алмашинув жараёнларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган;

табиий совуқлик тупроқ аккумуляторли ер ости мева-сабзавот омборини оқилона лойиҳалаштириш ҳамда табиий совуқлик тупроқ аккумулятори қувурларида ҳарорат режими ва иссиқлик алмашинуви жараёнларини ҳисоблаш учун алгоритмлар ва компьютер дастурлари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги математик моделлаштириш, замонавий тадқиқот усулларида фойдаланиш асосида олинган натижалар билан асосланади, математик физика, иссиқлик алмашинуви назарияси, иссиқлик-техник тажрибаларни ўтказиш ва натижаларни қайта ишлашнинг умум эътироф этилган усуллари қўлланилганлиги ҳамда ишлаб чиқариш тажриба натижалари, бир хил шароитларда ҳисобий ва тажриба натижаларини мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер ости мева-сабзавот омборларида табиий совуқликни аккумуляциялаш ва совутиш тизимларида энергия сарфини камайтирувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда, энергия самарадор совутиш

режими ва уларни ҳисоблаш алгоритми, табиий совуқлик тупроқ аккумуляторининг иссиқлик бериш коэффициентини аниқлайдиган, тупроқ массиви ва ҳаво ўртасидаги иссиқлик алмашинувини ҳисоблаш имконини берадиган математик моделлар ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қайта тикланадиган ташқи ҳаво табиий совуқлигидан фойдаланишга асосланган табиий совуқликни аккумуляциялаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, ишлаб чиқилган тизим мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш жараёнларида энергия сарфини камайтиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости мева-сабзавот омборларининг автоном совуқлик таъминоти тизимлари учун энергия самарадор табиий совуқликни аккумуляциялаш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ер ости мева-сабзавот омборларининг совуқлик таъминоти тизимлари учун табиий совуқлик тупроқ аккумулятори қурилмаси Қашқадарё вилоятининг "Боғизар Варганза" МЧЖда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19 февралдаги №07/35-04/585-сон маълумотномаси). Натижада, сизими 500 тонна бўлган мева-сабзавот омборларида маҳсулотларни сақлаш даврида 60-68 фоизгача электр энергиясини тежалишига эришилган;

актив вентиляция тизими билан уйғунлаштирилган, табиий совуқлик тупроқ аккумуляторли ер ости мева-сабзавот омборининг энергия самарадор совуқлик таъминоти тизимининг технологик схемаси Қарши шаҳридаги "Shahnur freezer industry" МЧЖда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 19 февралдаги №07/35-04/585-сон маълумотномаси). Натижада, анъанавий совутиш тизимларига нисбатан маҳсулотларни сақлаш даврида 315,6 млн сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 10 та республика илмий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган 1 та халқаро ва 4 та республика журналларида илмий мақолалар нашр қилинган ҳамда ЭҲМ учун 3 та дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Ер ости мева-сабзавот омборларида табиий совуқликни аккумуляциялашнинг мавжуд тизимлари таҳлили"** деб номланган биринчи бобда мева-сабзавот омборларини совутиш қурилмалари, табиий совуқликни аккумуляциялаш ва улардан фойдаланиш усуллари, шунингдек, буғ-компрессорли совутиш қурилмалари анъанавий совутиш тизимларининг таҳлили келтирилган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, эришилган муҳим натижаларга қарамасдан, ер ости мева-сабзавот омборларида табиий совуқлик манбаларидан самарали фойдаланиш, совутиш жараёнларида энергия сарфини камайтириш масалалари етарлича тадқиқот қилинмаган ва кескин континентал иқлим шароитида ташқи ҳавонинг табиий совуқлигини ҳисобга олган ҳолда аккумуляциялаш, қайта тикланадиган ташқи ҳаво табиий совуқлигидан фойдаланиш имкониятлари ҳам етарли даражада кўриб чиқилмаган. Кескин континентал иқлим ва ностационар ҳарорат режими шароитида табиий совуқлик тупроқ аккумуляторларида содир бўладиган иссиқлик алмашинуви жараёнлари ҳам кам ўрганилган.

Шу сабабли, тадқиқот ишида ташқи ҳавонинг табиий совуқлигидан фойдаланиш имкониятини баҳолаш мақсадида Қарши шаҳри шароитида совуқлик индекси, қайта тикланадиган ташқи ҳаво табиий совуқлигига асосланган, мева-сабзавот маҳсулотларини совутиш учун энергия сарфини камайтириш имконини берадиган табиий совуқликни аккумуляциялаш тизимлари учун табиий совуқлик манбаларининг ресурслари аниқланди.

Ўтказилган илмий таҳлиллар асосида мева-сабзавотларни совуқлик таъминоти тизимларида энергияни тежаш соҳасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтириш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда диссертация ишининг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг **"Табиий совуқлик тупроқ аккумуляторларида иссиқлик алмашинуви жараёнларини моделлаштириш ва тадқиқот қилиш"** деб номланган иккинчи бобда назарий тадқиқот натижалари келтирилган. Табиий совуқлик тупроқ аккумулятори (ТСТА) ёрдамида тупроқ массивини совутишда иссиқлик алмашинувининг математик модели ишлаб чиқилган, ностационар ҳарорат режими шароитида актив вентиляция тизими билан уйғунлашган ТСТАли ер ости мева-сабзавот сақлаш омбори иссиқлик балансини моделлаштириш натижалари келтирилган.

Диссертация ишида қувурли иссиқлик алмаштиргичли ташқи ҳаво табиий совуқлигини аккумуляциялаш тизимлари кўриб чиқилган. ТСТАли иссиқлик алмашинув каналлари 1-расмда кўрсатилганидек жойлаштирилганда, бошланғич ҳароратга эга бўлган муҳит билан ярим чегараланган жисмнинг иссиқлик алмашинувини ҳисоблаш учун учинчи тур чегара шартларида А. В. Лыков ечимидан фойдаланиш мумкин. Ички юзадаги текис девор билан чегараланган тупроқ массивидаги ҳарорат майдонининг математик модели, яъни ташқи ҳаво билан совутишда иссиқлик алмашинуви қуйидаги дифференциал тенглама билан ифодаланади:

$$\frac{dt(x, \tau)}{d\tau} = a \frac{d^2 t(x, \tau)}{dx^2}; \quad \tau > 0; \quad 0 < x < \infty; \quad (1)$$

$$\text{бошланғич шартлар } \tau = 0, \quad t(x, 0) = t_0 = \text{const}, \quad (2)$$


$$\text{чегара шартлари } x=0, \quad \lambda \frac{dt(0, \tau)}{dx} + \alpha [t_c - t(0, \tau)] = 0 \quad (3)$$

$$x \rightarrow \infty, \quad t(\infty, \tau) = t_0, \quad \frac{dt(\infty, \tau)}{dx} = 0. \quad (4)$$

Диссертацияда ТСТАнинг икки иш режимида ностационар иссиқлик алмашинув жараёнлари кўриб чиқилди.

1. ТСТА ишлаганда тупроқ массивини совутиш (Табиий совуқликни аккумуляциялаш режими).

1-расмда келтирилган иссиқлик алмашинуви схемасига мувофиқ қувурлар орасида жойлашган тупроқ массивининг совуқликни аккумуляциялаш имкониятларини эътиборсиз қолдириб, асосий совуқлик заҳиралари ТСТАнинг ўнг ва чап томонидаги тупроқ массивида бўлади деб ҳисобласак, (симметрик масала) у ҳолда ҳисоб схемасини ташқи ҳаво ўлчами $a \times h$ ёриқ шаклидаги канал бўйлаб ҳаракатланганда содир бўладиган учинчи тур чегара шартларида ярим чегараланган тупроқ массиви ва ҳаво ўртасидаги иссиқлик алмашинуви сифатида қараш мумкин.



1-расм. Тупроқ массивини совутишда иссиқлик алмашинувининг ҳисоб схемаси.

Ер ости каналини ташқи ҳаво билан шамоллатиш орқали текис девор атрофидаги тупроқ массивини совутиш учун, ҳарорат $t_{mx} < t_{myn}$ бўлганда (1)-(3) тенгламалар ечими ўлчамсиз ҳарорат функцияси шаклида қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\theta = \frac{t(x, \tau) - t_{mx}}{t_{myn} - t_{mx}} = \text{erf}\left(\frac{x}{2\sqrt{a\tau}}\right) + e^{hx+h^2a\tau} \text{erfc}\left(\frac{x}{2\sqrt{a\tau}} + h\sqrt{a\tau}\right) \quad (5)$$

бу ерда, t_{mx} -ташқи ҳаво ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$; t_{myn} -тупроқ массивининг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;
 $a = \frac{\lambda}{c_p \cdot \rho}$ -тупроқнинг ҳарорат ўтказувчанлик коэффициентини, $\text{м}^2/\text{с}$; λ -
тупроқнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини, $\text{Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$; c_p -
тупроқнинг иссиқлик сифими, $\text{Дж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$; ρ -тупроқ зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$; τ -вақт,
сек; $h = \frac{a_x}{\lambda_{myn}}$ - нисбий иссиқлик алмашилиш коэффициенти.

Канал юзаси F_k бўлганда, унинг барча ички сиртида аккумуляцияланган совуқлик миқдори қуйидагича бўлади.

$$Q_c = \frac{2\sqrt{\lambda_{myn} \cdot \delta_{myn} \cdot c_{myn}}}{\sqrt{\pi}} \cdot F_k (t_{myn} - t_x) \cdot \sqrt{\tau}. \quad (6)$$

2. Кондуктив иссиқлик алмашинувида тупроқни совутиш(ТСТА зарядсизланиш режими).

Табиий совуқликни аккумуляциялашнинг актив режими ТСТАнинг ички сирти ҳарорати ташқи ҳаво ҳароратидан юқори бўлиши $t_{uc} > t_{mx}$ шарти билан амалга оширилиши мумкин. Шундай қилиб, иссиқлик алмашинуви қонунига асосан совуқликни аккумуляциялаш режими $t_{mx} \geq t_{uc}$ бўлганда тўхтайди. Яъни иссиқ мавсумда тупроқ массивида кондуктив иссиқлик алмашинуви натижасида аккумулятор ўз-ўзидан зарядсизланади.

ТСТАли ер ости каналларига иссиқлик кирмаган ҳолда, кейинги ҳарорат ўзгариши унинг иссиқлик ўтказувчанлиги ҳисобига тупроқ массивида совуқликнинг тарқалиши орқали амалга оширилади. Шу билан бирга, совуқлик захираларидан актив фойдаланишни бошлашдан олдин, кондуктив иссиқлик алмашинуви ҳисобига тупроқнинг иссиқлик ўтказувчанлиги туфайли тупроқ массиви ҳароратини ўзгариш қонунларини билиш муҳим. Ушбу масалани ҳал қилиш учун қувурли тупроқ иссиқлик алмаштиргич ички сиртида иссиқлик оқими нолга тенг деб тахмин қилиш мумкин, яъни,

$$x=0, \text{ да} \quad -\lambda_{myn} \frac{dt(x, \tau)}{dx} = 0, \quad (7)$$

Масалани ечимини соддалаштириш учун табиий совуқликни аккумуляциялаш режими тугаганидан кейин ТСТАли каналнинг девори яқинидаги тупроқ ҳароратини ўзгариш эгри чизиқларини экспоненциал функциялар апроксимация қилади, яъни

$$t(x, \tau) = t_{0,сирт.} \cdot e^{-n \cdot x} \quad (8)$$

Агар тупроқ массивида симметрик ҳарорат тақсимооти мавжуд бўлса, у ҳолда тупроқ ҳароратининг ўзгариши ушбу ифода орқали аниқланади:

$$t(x, \tau) = \begin{cases} t_{0,сирт.} e^{-nx} & x > 0 \text{ да} \\ t_{0,сирт.} e^{+nx} & x < 0 \text{ да} \end{cases} \quad (9)$$

бу ерда n -экспонента кўрсаткичи; $t_{0,сирт.}$ - ТСТА девори ички сиртини ҳарорати.

$$\rho \cdot V_x \cdot c_{px} \cdot \frac{dt_x(\tau)}{d\tau} = Q_c + Q_{вент} - Q_{оес} - Q_{эд} - Q_{мах}, \quad (14)$$


бу ерда Q_c - ташқи ҳаво орқали киритилган табиий совуқлик (энергия) миқдори, Вт, $Q_{вент}$ - вентиляция орқали чиқарилган иссиқлик, Вт, $Q_{дсв}$ - мева-сабзавот омбори деворлари орқали кирадиган иссиқлик оқими, Вт, $Q_{эд}$ - электродвигатель ишлагандаги иссиқлик оқими, Вт, $Q_{мах}$ - маҳсулотнинг нафас олиш иссиқлиги, Вт.

Қуйидаги бошланғич шартни тузамиз $\tau = 0, t_x(\tau) = t_x(0)$.


Бошланғич шартларни ҳисобга олган ҳолда, Эйлер усули ёрдамида ТСТАли мева-сабзавот омборининг иссиқлик баланси тенгламасининг ечими қуйидаги кўринишда олинди:

$$t_x(\tau) = \frac{t_x(0) - \frac{G_{mx} \cdot \rho_x \cdot c_{px} \cdot t_{mx} + G_x \cdot \rho_x \cdot c_{px} \cdot t_x + k \cdot F_{оес} \cdot t_{мн} - N_{эд} \cdot n - q_0 \cdot m_m \cdot e^{bt_x}}{G_{mx} \cdot \rho_x \cdot c_{px} + G_x \cdot \rho_x \cdot c_{px} + k \cdot F_{оес}} \left[1 - \exp\left(-\frac{G_{mx} \cdot \rho_x \cdot c_{px} + G_x \cdot \rho_x \cdot c_{px} + k \cdot F_{оес}}{\rho_x \cdot V_x \cdot c_{px}} \tau\right) \right]}{\exp\left(\frac{G_{mx} \cdot \rho_x \cdot c_{px} + G_x \cdot \rho_x \cdot c_{px} + k \cdot F_{оес}}{\rho_x \cdot V_x \cdot c_{px}} \tau\right)} \quad (15)$$

Демак, ТСТАли ер ости мева-сабзавот омбори иссиқлик балансининг умумий ечими (15) тенглама кўринишида бўлади. ТСТАли ер ости мева-сабзавот омборининг иссиқлик баланси математик моделлаштириш асосида ўтказилган ҳисоб-тадқиқотлари MATLAB/SIMULINK дастури асосида амалга оширилди. Ҳисоб-тадқиқот натижалари 3 ва 4-расмларда келтирилган. Моделлаштириш асосида ташқи ҳаво ҳарорати -3°C бўлганда сиғими 30 тонна бўлган мева-сабзавот омборининг оптимал ҳарорат режими $0 \div +4^{\circ}\text{C}$ ни таъминлаш учун зарур бўлган табиий совуқлик миқдори $Q=14-16$ кВт бўлиши аниқланди.



3-расм. Совуқ ҳаво сарфига ва вақтга боғлиқ ҳолда ТСТАли ер ости совутиш камераси ички ҳаво ҳароратининг ўзгариш графиги.



4-расм. Совуқ ҳаво сарфи ва вақтга боғлиқ ҳолда табиий совуқлик қувватини ўзгариш графиги.


Ўтказилган назарий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, совутиш ҳавосини сарфи $G_{тх}=0,05$ м³/сек ва совутиш давомийлиги эса 3000 сек (50 мин.) бўлган ҳолда $t_{тх}=0^{\circ}\text{C}$ ҳароратли совуқ ҳаво билан таъминланганда мева-сабзавот омборидаги ҳаво ҳарорати дастлабки $t_x=20^{\circ}\text{C}$ дан аста-секин $+1^{\circ}\text{C}$ гача пасаяди (қишки нав олма учун оптимал сақлаш ҳароратигача). Совутиш

ҳавосининг сарфи $G_{\text{ТХ}}=0,05$ дан $G_{\text{ТХ}}=0,5$ м³/с гача ортиши билан совутиш давомийлиги 3 марта камаяди, яъни 1000 секундга тенглашади. Шу билан бирга, мева-сабзавот омбори ичида керакли ҳарорат режимини сақлаш учун сиғими 30 тонналик омбор учун 10-14 кВт қувватга эга табиий совуқлик керак бўлади.

Диссертациянинг “**Табиий совуқлик тупроқ аккумуляторининг физик моделини ишлаб чиқиш ва иссиқлик алмашинув жараёнларини экспериментал тадқиқот қилиш**” деб номланган учинчи бобида ТСТА экспериментал қурилманинг тавсифи, физик моделда ҳарорат режими ва иссиқлик алмашинувини экспериментал тадқиқот қилиш методикаси ва турли хил физик шароитларда ТСТАда иссиқлик алмашинуви ва ҳарорат режими бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Экспериментал тажриба қурилмаси ишлаб чиқилган ва 5-расмда ҳароратни ўлчаш схемаси кўрсатилган. Қурилма 1-тупроқ (қумли) аккумулятори, 2-пенопластикли термостатли яшиқдан иборат бўлиб, тупроқ массивида жойлашган совуқлик аккумулятор канали орқали иссиқлик алмашинув жараёнларини моделлаштириш учун экспериментал қурилма ўхшашлик ва ўлчамликлар назариясига мувофиқ ишлаб чиқилган. Тажриба қурилмаси тупроқ массивини моделлаштирадиган, иссиқлик изоляция қилинган яшиқдан иборат бўлиб, унинг ичидаги қумсимон тупроқда диаметри $d=20$ мм пўлат қувур жойлаштирилган, унинг атрофида терможуфтлар, кўшиб-ажратгич мосламаси, ҳароратни қайд қилиш асбоби ва сув ўлчагич ўрнатилган.



5-расм. Экспериментал қурилманинг умумий кўриниши.



6-расм. ТСТАда иссиқлик алмашинувини тадқиқот қилиш учун экспериментал қурилма.


1– тупроқ аккумулятори; 2- иссиқлик изоляцияланган яшиқ, 3–сув сарфини ҳисоблагич; 4- потенциометр КСП-4; 5–10 та терможуфт занжирини алмаштиргич; 6– массив қалинлиги, моделлаштирилган тупроқ массиви; 7– пўлат қувур($d=20$ мм); 10– терможуфтлар (биринчи ва иккинчи кесим учун), 9- ростлаш вентили, 10-сув сарфини ростловчи вентил, 11-муз бўлағи, 12-назорат термометри, 13-совуқ сув учун идиш.

Иссиқлик алмашинуви жараёнларини моделлаштириш ва ўхшашлик назарияси усули ёрдамида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Ер ости совуқлик аккумулятори қувурининг диаметри $d=300$ мм ва унинг физик модели учун Nu критерияси, иссиқлик бериш коэффицентининг қийматлари тажрибада аниқланди ва 1-жадвалда келтирилди.

**ТСТАнинг экспериментал қурилмасида иссиқлик алмашинувининг
тадқиқоти натижалари**

Тупроқ аккумулятори, d=300мм (ҳаво)			Физик модел D=50мм (ҳаво)			Физик модел d=20мм (сув)		
$W_1, м/с$	Nu_1	$\alpha_1, Вт / м^2 \cdot К$	$W_2, м/с$	Nu_2	$\alpha_2, Вт / м^2 \cdot К$	$W_3, м/с$	Nu_3	$\alpha_3, Вт / м^2 \cdot К$
2	103,88	8,04	0,32	103,25	47,908	0,64	103,25	2845,57
4	180,87	14,01	0,64	180,90	83,93	1,29	180,90	4985,60
6	250,18	19,38	0,97	250,73	116,338	1,94	250,73	6910,11
8	314,92	24,41	1,29	314,96	146,14	2,58	314,96	8680,29
10	376,47	29,17	1,61	376,99	174,92	3,22	376,05	10363,93


1-жадвалда келтирилган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳақиқий қурилма (d=300 мм диаметри ер ости каналида ҳаво ҳаракатида) ва физик моделда (қумда жойлашган d=20 мм қувур орқали сув ҳаракати) иссиқлик бериш жараёнларининг ўхшашлигини куйидаги тезлик оралиғида таъминлаш мумкинлигини кўрсатади: сув учун 0,64 дан 3,22 м/с гача. Шундай қилиб, ҳақиқий объектда диаметри d=300 мм бўлган ер ости канали орқали 2,4,6,8,10 м/с тезлик, $t=0^{\circ}C$ ҳарорат билан ҳаво ҳаракатланаётганда содир бўладиган иссиқлик алмашинуви жараёнини моделлаштириш учун мос равишда физик моделда диаметри d=20 мм бўлган қувурда 0,64;1,29;1,94;2,58;3,22 м/с тезлик ва $t=0^{\circ}C \div +4^{\circ}C$ ҳарорат билан сувнинг ҳаракатини таъминлаш керак. Физик моделда ҳаво учун худди шундай иссиқлик алмашинуви жараёнлари диаметри d=50 мм бўлган қувурда 0,32дан 1,61 м/с гача тезликда таъминланиши кераклиги аниқланди. Тажрибалар сув ва ҳаво учун алоҳида физик моделда олиб борилди ва натижалар 1-жадвалда келтирилган. Тажрибаларда совуқ сувнинг ҳарорати $+4^{\circ}C$ ва тезлиги 1-жадвалда кўрсатилган ораликда ўрнатилди. Бажарилган тажрибалар натижасида 1 ва 2 режимларда қурилманинг турли ишлаш муддати учун диаметри d=20мм қувур яқинидаги тупроқ ҳароратини ўзгариши графиклари, шунингдек вақтга боғлиқ равишда қувур сирти ҳароратининг ўзгариш эгри чизиқлари олинди (7,8,9 расм).



А-биринчи кесим учун, Б-иккинчи кесим учун.


- қурилма биринчи режимда ишлаганда.
- қурилма иккинчи режимда ишлаганда.

7-расм. Диаметри d=20мм қувур яқинидаги тупроқ ҳарорат майдонининг ўзгариши. Эгри чизиқлардаги рақамлар ўлчовлар орасидаги вақт τ оралиғини кўрсатади.



1,2-биринчи ва иккинчи кесим юзасининг ҳарорати
 А-совуқликни аккумуляциялаш режими давомийлиги 5 мин. ($Fo=3$). Б-совуқликни аккумуляциялаш режими давомийлиги 30 мин. ($Fo=10$).


8-расм. Кондуктив иссиқлик алмашинув ҳисобига қувур сирти ҳароратининг ўзгариши.




А) - $Fo=3$, Б) – $Fo=10$. 1 – эксперимент натижалари. 2 – ҳисоб натижалари.

9-расм. Қувур сирти ҳароратининг ўзгариш графиги.


Физик моделда ҳақиқий объект учун соғутиш ва тўпланган совуқликни сақлаш режимларида кондуктив иссиқлик алмашинуви туфайли соғутилган тупроқ ҳароратининг ўзгариши графикалари 10 ва 11- расмларда келтирилган. 12-расмда кондуктив иссиқлик алмашинуви натижасида диаметри $d=300$ мм қувур сиртида ҳарорат ўзгаришини ифодаловчи графикалар келтирилди.



10-расм. Диаметри $d=300$ мм қувур яқинидаги тупроқ ҳароратининг ўзгариши графиги (соғутиш режими).



11-расм. Диаметри $d=300$ мм қувур яқинидаги тупроқ ҳароратининг ўзгариши графиги (сақлаш режими).




12-расм. Кондуктив иссиқлик алмашинуви ҳисобига диаметри $d=300\text{мм}$ қувур девори сиртидаги ҳароратнинг ўзгариши.

Олинган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, тажриба ва ҳисоб натижалари ўртасидаги тафовут 7-10% ни ташкил этади. Шундай қилиб, диссертацияда олинган аналитик боғлиқликларни ТСТАни муҳандислик ҳисоблари учун тавсия этиш мумкин.

Диссертациянинг “Иссиқлик насосли қурилмалар ва табиий совуқлик аккумулятори асосидаги мева-сабзавот омборларининг муқобил энергия тежамкор совуқлик таъминоти тизимининг самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида ТСТАли мева-сабзавот омборларининг ҳарорат режими, иссиқлик-техник тавсифлари, техник-иктисодий кўрсаткичлари, энергия тежамкор совуқлик таъминоти тизимини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган (13-расм). Ишлаб чиқилган ТСТАли муқобил энергия тежамкор совуқлик таъминоти тизими (МЭСТТ) қуйидаги учта иш режимида ишлайди:

- 1-режим: табиий совуқликни аккумуляциялаш (ТСТАни зарядлаш);
- 2-режим: совуқликни сақлаш режими (совуқликни захиралаш);
- 3-режим: ТСТАни зарядсизлантириш.




1-вертикал ҳаво сўриш коллектори; 2-совуқ ҳаво тўплаш коллектори; 3-табиий совуқлик тупроқ аккумуляторнинг иссиқлик алмашинуви қувури; 4-марказдан қочма вентилятор 90ЦС240; 5- вентиляция режими қувури, 6-иссиқликни олиб ташлаш қувури; 7-чиқариш қувури; 8-вентил; 9- КСП-4; 10-терможуфт занжирини алмаштиргич.

13-расм. Ер ости мева-сабзавот омборининг ТСТАли энергия тежамкор совутиш таъминоти тизимининг технологик схемаси.

Қурилма биринчи режимда ишлаганда ташқи совуқ ҳаво ҳарорати мева-сабзавот омборининг тупроқ ҳароратидан паст бўлганда, марказдан қочма вентилятор 4, вертикал ҳаво йиғиш коллектори 1 орқали сўриб олинади, кейин ташқи совуқ ҳаво ТСТА қувури 3 орқали ўтади ва ташқи ҳаво табиий совуқлиги узунлиги $l=48$ м бўлган қувур атрофидаги тупроқ массивида тўпланади, сўнгра ҳаво актив вентиляция тизими орқали атмосферага чиқариб юборилади. Иккинчи режимда вентилятор 4 ўчирилади ва 1 ва 2 вертикал ҳаво йиғиш коллекторлари ёпилади. Аммо ушбу режимда, агар керак бўлса, камеранинг ички ҳавоси ҳароратининг ўзгаришига қараб, иссиқлик насосли қурилма (ИНҚ) совутиш режимда ишлайди.

ТСТАни зарядсизлантириш режимда (3-режим) 1 ва 2 вертикал ҳаво йиғиш коллекторлари ёпиқ ҳолатда бўлади, камерадаги ички ҳаво ТСТА 3 га ҳаво канали орқали киради ва совутилган ҳаво совутиш камерасига қайта киритилади. Қурилманинг ҳисоб схемаси бўйича иссиқлик баланс тенгламаси тузилди ва ТСТАда ҳарорат режими тадқиқот қилинди(14-расм).



14-расм. ТСТА иссиқлик балансининг ҳисоб схемаси.

$$dQ = G_x c_x \rho_x (t_{x2} - t_{x1}) d\tau \quad (16)$$

$$dQ = k_l \pi \Delta t_{\text{ўпм}} d\tau \quad (17)$$

$$dQ = m_{\text{мын}} c_{\text{мын}} (t_{\text{мын}} - t'_{\text{мын}}) \quad (18)$$

$$\Delta t_{\text{ўпм}} = \frac{t_{x2} - t_{x1}}{\ln \frac{t_{x2} - t_{\text{мын}}}{t_{x1} - t_{\text{мын}}}} \quad (19)$$

(16) ва (17) тенгламаларни тенглаштириб, қуйидагиларни оламиз:

$$k_l \pi l \frac{t_{x2} - t_{x1}}{\ln \frac{t_{x2} - t_{\text{мын}}}{t_{x1} - t_{\text{мын}}}} = G_x c_x \rho_x (t_{x2} - t_{x1}), \quad (20)$$

